



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 26 июн, шанба №84 (731)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри журналистлар! Барчангизни касб байрамингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Сизларни олдинги сафларда юрадиган, ўта сезгир, халқимизни, жамиятимизни ҳушёрликка қорлайдиган, турли хавф-хатарлардан огоҳ этадиган ва асрайдиган инсонлар сифатида биланаман. Ислохотлар йўли, янгиликлар йўли, ўзгичмизни англаш йўлидан бориш масъулиятини юрак-юракдан ҳис этадиган ва англайдиган, мана шу йўлда мавжуд бўлган барча жумбоқ ва чигал муаммоларни ечишда жонбозлик кўрсатадиган, халқимизнинг кўзини очадиган, эл-юрт аро маърифат ва зиё тарқатадиган етук, жасур ва фидойи инсонлар сифатида биланаман.

Журналистларнинг байрами умумхалқ миқёсида нишонланаётганида катта рамзий маъно бор. Миллат ва жамият келажаги ҳал бўлаётган бугунги муборак ва шарафли даврда буюк ватандошимиз Чўлпоннинг: «Бутун кучни халқ ичидан олайлик, Кучок очиб халқ ичига борайлик!» деган ибораси нақадар долзарб эканини юракдан ҳис этган калам соҳибларининг тинчликка, аҳилликка, бунёдкорликка давват этувчи сўзлари онгли фикрлайдиган, Ватан дарди билан яшайдиган ҳар бир одамнинг қалбига йўл топади.

Халқимизнинг яратувчилик меҳнати, юртимизда кечаётган ўзгаришларнинг ҳалол ва ҳолис ифодачиси, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг фаол ҳимоячиси бўлиш матбуотимиз ва матбаачиларимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни янада муҳим ва салмоқли бўлишига ишонаман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, ижодий ютуқлар тилайман.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Ислом КАРИМОВ

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК - ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ



Хабар қилинганидек, 24 июн кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро Кенгашининг Киргизистон пойтахти Бишкекда бўлиб ўтган мажлисида иштирок этиб қайтди.

Мажлис кун тартибидан минтақавий интеграция ва хавфсизликка оид қатор масалалар жой олди. Ҳамжамият Ижроия Кўмитасининг 1997-1998 йилларда амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботи, Давлатлараро Кенгаш топшириқларининг ижроси таҳлил этилди. Давлатлараро Кенгаш ҳақидаги, шунингдек, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимларга қўшимчалар киритиш хусусида келишиб олинди. Мажлисда Киргизистон Президенти А.Акаев Давлат Раҳбарлари Кенгашининг раиси, ушбу мамлакат Бош вазир О.Муралиев эса Бош вазирлар кенгаши раиси этиб сайланди. Анжуман иштирокчилари Украина, Грузия ва Туркияга Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятида кузатувчи мақоми беришга қарор қилди. Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги йиғилишини қарерда ўтказиш бўйича Тожикистон президентининг таклифи маъқулланди. Галдаги учрашувларда Тожикистон мезонлик қилади бўлди.

Бишкек учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сўзга чиқиб, иштирокчилар эътиборини интеграциявий жараёнларнинг оқсаётган томонларига қаратди. Яъни, Ҳамжамиятда ҳужжатларнинг амалиётга татиқ этилаётганини таъкидлади. Дарҳақиқат, вазиятга четдан туриб қаралса, баланларвоз гаплар кўпу, аммо амалда самара камлигини кўриш мумкин. Декларациялар қабул қилинади, шартнома ва битимлар имзоланади, сўнгра матбуот анжуманида «улкан ишлар» ҳақида баёнотлар тарқатилади. Лекин амалда-чи?

Аслида табиий, меҳнат заҳираларига бой, юксак иқтисодий ва ақлий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ташкилотининг олдини олишда биргаликда иш кўриш, биргаликда тараққиёт сари одимлаш лозим, деди Ислом Каримов. Масалан, Жануби-шарқий Осиёда юзага келган иқтисодий инқирознинг таъсир доираси кенгайиб, у Россия ва Лотин Америкаси давлатларига етиб борди. Бу инқирозга Марказий Осиё мамлакатларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қўшни давлатлардаги иқтисодий аҳвол қандай эканлигини ҳозир кўпчилик яхши билади. Лекин, таъкидлаш керакки, бу инқирозга қарши туриш, унинг зарарини имкон қадар камайтириш мумкин эди. Катта бўҳроннинг тўлқини алоҳида бир давлатни осонликча енгиши мумкин, жипслашган бир неча давлатни енгиш эса осон бўлмасди.

Президент Ислом Каримов яна бир муаммони ўртага ташлади. Бу жаҳон бозоридagi аҳвол билан боғлиқ. Мана бир неча йиллардан бундан минтақамизда этиштирилган ҳаммаё турларининг нархи паст. Илгарилари пахтанинг тоннаси 1700 АҚШ долларига сотилган бўлса, ҳозир у 1200-1250 доллар атрофида баҳоланмоқда. Олтин, нефть, рангли металллар ва бошқа товарлар савдоси ҳам шу аҳволда. Бундан қандай хулоса қилиш мумкин? Манзара фақатгина бир фикрни уйғотади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳаммаё этиштирувчиларни сиқмоқда. Улар сунбий тарзда ҳаммаё нархини тушириб, уни этиштирадиганларнинг ўсишига тўсқинлик қилмоқда. Бу иқтисоднинг «яшаш учун кураши»дир ва уни табиий ҳол деб қараш керак. Ҳаммаёнинг арзонга олини, уни этиштирувчининг даромадини камайтириш сиёсий фойда ҳам беради. Чунки, ҳаммаё арзон сотилса, валюта тушуми камаяди, бунинг оқибатлари яна санаб ўтириш эса ортиқча. Вазият шунга бориб тақалладики, ҳаммаё этиштирувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчидан кредит олади. Бу кредитлар табиийки, маълум шартлар эвазига «тақдим этилади». Демак, бозор конъюнктура-

сининг ҳаммаёга қарши чиқаётгани Ҳамжамият давлатларини бефарқ қолдирмаслиги керак.

Ҳаммаё нархининг пастлиги жараёни фақат Марказий Осиёда кузатилаётгани йўқ. Масалан, бир неча йиллардан бундан қарши туришнинг нархи пастлиги келтирилган ташвишда. Лекин, қизғин шундаки, ҳаммаё қаҳва арзон бўлишига қарамай, истеъмол учун тайёр қаҳванинг нархи йилдан йилга ортиб борапти.

Жаҳон бозори ва халқаро молиявий марказларда «об-ҳавони белгилайдиганлар» бозор конъюнктураси ўзгармаслигини манфаатдордир. Уларнинг таъсирини яққол ҳолда кўриш мумкин бўлишига ҳам равшан. Демак, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш мақсадга мувофиқ. Яъни, аввало, ҳар бир мамлакат ўзига тўқ бўлиши керак. Ўз муаммоларини ҳал қилиш учунгина бирор халқаро бирлашмага қўшилиш тўғри бўлмайди. Давлатимиз раҳбари бунга бежиз тўхтагани йўқ. Ҳамжамият ичидa бунга мисоллар келтириш мумкин. Иккинчи тадбир эса, эркин савдо зонасини барпо этиш. Бу орқали товарлар, сармоялар, иш кучи оқими эркинлаштирилади, бохоналарда, солиқ йиғиш муассасаларида ортиқча галвалар бўлмайди.

Бошқача айтганда, Ҳамжамият минтақасида оддий иқтисодий муносабатларни қорор топтириш керак. Лекин ҳозир нима бўляпти? Бир давлат иқтисодидан галгани ташиб чиқиб кетади, яна бири нефтни. Бир давлат бохоначиларни қўшни давлатдан келатган транспортдан ўзаро келишувларга зид равишда тўлов олади, бошқаси чега-радан ўтишни чеклаб қўяди ва ҳоказо. Албатта, ҳамма ўта манфаатини кўзлаб ўтиш мумкин. Бу - табиий. Масаланнинг биринга «лекин»и шунки, товарлар ва хизматлар оқимини осонлаштиришни кўзда тутадиган давлатлараро ҳужжатлар қабул қилинган. Бохоначилар эса назоратсиз равишда ўзаро хоҳлаган қонунларни рўқач қилиб, тўловни олиб ўтибди.

Иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий замини ҳужжатда қолди кетмай, амалда тўла иш берганида, аҳвол бошқача бўлар-

ди. Таассуфки, Ҳамжамият аъзоларининг ички бозорлари бир-бири учун очик эмас. Сунбий тўсиқлар интеграциялашув жараёнини оқсатмоқда. Ўзбекистон раҳбари бунга бартараф этиш учун эса тартибли, замонавий тарзда муносабат қурмоқ кераклигини айтиди. У баланларвоз гаплардан амалиётга ўтишни тақлиф қилар экан, ана шундай, бир қарашда майда кўринадиган, лекин катта-катта жараёнларга тўсқинлик қилаётган омилларни ҳал этиш даркорлигини таъкидлади. Зеро, «майда» муаммоларни ҳал қилмай туриб, йирик ишларни амалга ошириш мумкин эмас. Яна ҳужжатлар имзоланавериши, умидли гаплар айтилавериши мумкин. Лекин, улар амалда самара бермайди. Бунинг тасдиғини МДХ доирасида кечган жараёнларда ҳам кўриш мумкин.

Президент Ислом Каримов интеграция жараёнларини оқсатувчи яна бир муҳим муаммо сифатида ди-ний айирмачиликни келтирди. Ҳеч кимга сир эмас, бу оқимнинг тўлқинлари аллақачон минтақамиз давлатларига етиб келган. Тошкентда 16 феврал кунини рўй берган муҳим воқеа ҳали ҳаммининг ёдида. Давлатимиз раҳбари ана шу офатга қарши биргаликда курашиш зарурлигини айтиди. Бу муаммо ҳеч бир давлатни бефарқ қолдирмаслиги керак. У минтақамизнинг бир нуқтасида пайдо бўлса, албатта, ҳамма ёққа ёйилади. Тожикистондаги воқеалар бунинг яққол тасдиғидир. Шундай экан, «қўшини ти-нч-сен тинч» қабилида иш-тутуш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хавфсизлик масаласини ижобий ҳал этиш интеграция жараёнларини янада қўрқулаштириши равшан. Бир мисол. Бир давлатдан иккинчи бир давлатга қурол-яроқ олиб ўтилса ёки бирор айирмачи ўзга мамлакат ҳудудига яшаб юриб, ўзиникида турли қўрқурилликлар, «сиёсий ўйинлар» қилгудек бўлса, давлатлараро муносабатларга путур етди. Чегаралардан ўтиш қийинлашади, ўзаро шубҳа ва гумонлар кўпаяди. Бундай ша-

роитда интеграция ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Бинобарин, минтақанинг ҳар бир давлатидаги хавфсизлик муаммоси бевосита бутун минтақанинг муаммоси сифатида қаралиши ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этилиши лозим.

Бишкек учрашуви иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фикр-мулоҳазаларини маъқуллади. Давлатимиз раҳбарининг нуқтани-назари ва таклифлари анжуман қатнашчиларининг Қўшма Баёнотидан жой олди.

Шунингдек, учрашувида Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев ҳам минтақавий интеграциянинг ривожлантириш масаласи юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Жумладан, у илгариги учрашувларда трансмилий молия-саноат гуруҳлари, турли консорциумлар тузишга келишиб олинганини, лекин бу борадаги ишлар оқсаётганини таъкидлади. Нотик пахта, рангли металллар ва бошқа товарларнинг савдосида квоталар белгилаш, ҳужжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро тўловларни мувофиқлаштириш, бунда миллий валюталар муомаласи ҳажимини ошириш лозимлигини айтиди.

Тожикистон Президенти И.Раҳмонов эса учрашуви иштирокчилари эътиборини иқтисодий интеграциялашув жараёнларини фаоллаштириш учун молия, божхона, солиқ ва бошқа соҳаларни ўзаро мослаштириш зарурати қаратди. У, шунингдек, минтақадagi сув, меҳнат ва табиат заҳираларидан тежамли ва унумли фойдаланиш, қатор соҳалар бўйича миллий қонунларни ўзаро мувофиқлаштириш, божхона тарифлари ва бошқа тўловларни мослаштириш, транспорт, энергетика ва коммуникация тармоқларидан биргаликда фойдаланишни йўлга қўйиш ҳақида сўзлади. Айни чоғда у минтақамиз учун гоят долзарб ҳисобланган муаммолар - уюшган жиноятчилик, нарко-бизнесга қарши ҳамкорликни ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтди.

Шундай қилиб, Бишкек учрашувида бугунги кунда минтақа мамлакатлари умумманфаатига тегишли муҳим масалалар муҳокама қилинди, уларни ҳал этиш юзасидан биргаликда амалий ҳаракатлар олиб боришга келишиб олинди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент-Бишкек-Тошкент.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан «Йилнинг энг яхши журналисти» (1998 йил) танлови якунланди.

Танловда республикамиз вилоятлари, шаҳар ва туманлари газеталари, радио ва телевидениесида тақдим этилган олти нафардан зиёд ижодий иш намуналари кўриб чиқилди.

Мустақил Ватанимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларини, кенг қўллаб-қувватлашнинг он-гу шууридаги ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида ёритишда фаоллик кўрсатаётган, ўз ижодлари билан матбуотимизни янада демократлаштиришга ҳисса қўшаётган куйдаги журналистлар танлов ғолиблари деб топилдилар:

I соврин
Кимё ХУЖАЕВА - ЎЗТВ «Ахборот» дастури шарҳловчиси
Сафар ОСТОНОВ - Хуқуқий мавзуда шарҳловчи
Исмом СУЛАЙМОНОВ - «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

II соврин
Беҳзод УСМОНОВ - ЎЗА Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири
Хайрулло НУРИДДИНОВ - «УзТВ «Давр» дастури шарҳловчиси
Юнус УЗОҚОВ - «Ўзбекистон овози» газетасининг мухбири

III соврин
Людмила КУЧЕРЕНКО - «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири
Собиржон ДАДАХУЖАЕВ - «Водил ёғдуси» (Фарғона тумани) газетаси бош муҳаррири
Бекназар ТҶИНАЗАРОВ - «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

Рағбатлантурувчи мукофот
Ольга ХАРЧЕНКО - «Вечерний Ташкент» газетаси бўлим муҳаррири
Алишер РИСКИЕВ - ЎЗА фотомухбири
Асрор МҶМИНОВ - «Спорт» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Танлов хайъати барча ғолибларни кутгайди ва ўз ижодий ишлари билан танловда қатнашган журналистларга миннатдорчилик билдирди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент-Бишкек-Тошкент.

Долзарб муаммолар ҳақида ўйлар

Ўзбек миллий журналистикаси тоталитар тузумда энг жиддий жабрланган соҳалардан бири эди. Ахборот оқими кучли назорат остига олиниб, компартия томонидан бошқарилиш оқибатида журналистиканинг «нафас олиши» учун энг муҳим асос-сўз ва фикр эркинлиги тўсиб қўйилди. Эркин фикри ва сўзи юлгинган матбуот бир томонлама ривожланди ва «партиянинг дастёри»га айланди. Хатто, қайта куриш даврида бир мунча жонланганга қарамай, матбуот мустақилликка эришганидан кейин ҳам янги даврга тезда мослаша олмади. Албатта, янги тизим талабларига жавоб бермайдиган матбуотнинг жамиятга фойдасидан кўра зарари кўпроқ тегади. Ана шулар ҳисобга олиниб, ҳукумат томонидан журналистикани замонавийлаштиришга кенг эътибор қаратила бошланди. Лекин бу ишларни амалга ошириш нихоят мушкул кечили олинган маълум эди. Чунки ўнлаб йиллар давомида тўланган муаммоларни тезда ҳал қилиш, соҳада туб ўзгаришлар ясаш катта куч ва ғайрат талаб қилади. Натияжада журналистика масаласи республикадаги долзарб муаммолар қаторига қўшилди.

Уша пайтларда республика раҳбарияти олдида

ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲҚАМ ЗАМИНИ

икки йўл турар эди-бири матбуотни батамом эркин қўйиб, ўз ҳолига ташлаб қўйиш, иккинчиси, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мустақкам ҳуқуқий асосини яратиш, босқичма-босқич уни демократлаштириш масаласи эди. Ўзбекистон раҳбарияти иккинчи, ўта машаққатли йўлни танлади.

Хўш, бу йўлнинг моҳияти нимадан иборат? Мана, саккиз йилдики, матбуот мулкка янги жамият, янги шароитда фаолият олиб бормоқда. Ўз навбатида мазкур шароит журналистлар олдида янги, жиддий талабларни қўймоқда. Энди илгаригидек бема-лол «дўппосланадиган» душман лагери ҳам, қўрсатма ва йўл-йўриқ бериб турувчи компартия ҳам йўқ. Бугун мавзулар ўзгарди. Ташаббус юқоридан эмас, балки аксинча, қўйилган юқорига қараб ҳаракат қилмоқда-барпо этилаётган демократик жамиятнинг шарти ҳам шу. Қолаверса, жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқурроқ кириб бора эканми, барча муносабатларда қонун ҳукмрон бўлади. Шу боис, халқаро андозаларга мос ОАВлари қонунчилигини яратиш лозим эди. Қисқа муддат ичидa қатор қонунлар қабул қилинди.

Бугун республика журналистикасига бевосита алоқадор олти қонун амал қилмоқда. Шулардан учтаси тўғридан-тўғри журналист-ижодкорлар фаолияти асосларини белгилаб, уларнинг ахборот олиши ва эркинлигини кафолатлайди. Қолган учтаси режамма, ноширлик фаолияти ва муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясига оид. Бундан ташқари, ўндан зиёд турли ҳуқуқий ҳужжатларда журналистлар фаолиятининг ў ёки бу жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятлар ўз аксини топган.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июн кuni Оксаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти амалдаги раисининг махсус вакили Вилгелм Хойнкни қабул қилди.

Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлганига, мазкур ташкилотнинг минтақавий ваколатхонаси мамлакатимизда фаолият кўрсата бошлаганига етти йил бўлагани, деди, жумладан, Президент Ислом Каримов. Мазкур ташкилот билан ҳамкорлик қилиш доирасида мамлакатимизда демократия таъминлашнинг қарор топтириши, Европа давлатларига интеграциялашувчи биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президентининг ЕХХТ фаолиятининг баъзи муҳим жиҳатларини

экан, табиий бир савол туғилади: ЕХХТ Марказий Осиёда хавфсизликни мустақкамлаш борасида шу вақтга қадар нима иш қилди? Ўз хавфсизлигимизни таъминлаш учун биз бу ташкилотдан қандай кўмак олдик? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб топилш мумкин.

Мен ЕХХТнинг қўллаб-қувватлаш иштирок этганман, деди Ўзбекистон раҳбари. Шу асосда бир ҳақли эътирозни айтишим керакки, ЕХХТ доирасида қабул қилинаётган ҳужжатларда Марказий Осиё муаммолари ҳалдан фаромуш бўлаётди. Олдий мисол, биз етти йилдан бери

мазкур ташкилот аъзоси-ми. Шу вақт ичидa ташкилот тизимларида Марказий Осиё манфаатлари қанчалик ҳимоя қилинди? Бу саволнинг жавоби ҳам, афсуски, қувонарли эмас. Мана, Марказий Осиё давлатларига қўшни Афғонистонда хунреликлар давом этапти, наркотик моддалар ва қурол-яроқ контрабандаси авжига чиққан, Тожикистонда эса қуролли ҳаракатлар тўхтагани йўқ, ЕХХТ бу муаммоларни ҳал этиш борасида нима иш қилди ёки қилапти? Ҳолбуки, ташкилот нафақат Европанинг, балки унга аъзо барча давлатларнинг хавфсизлиги ва тараққиёт

и учун жон куйдириши керак.

Давлатимиз раҳбари ЕХХТ доирасида қабул қилинаётган ҳужжатларда барча аъзо давлатлар, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари вакилларининг тўлақонли иштироки зарурлигига, уларнинг ташкилотда қандай ўрин тутаятигани алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Эҳтимол, мазкур ташкилотда Марказий Осиё манфаатларини ҳимоя қилувчи бўлиши тузиш тўғри бўлар. Шунингдек, ЕХХТнинг бошқарув тизими фақат Европа мамлакатлари вакилларидан иборат бўлиб қолаётганига

ҳам жиддий эътибор берар керак.

Ташкилот тизимларида бундай бирёқламалик унинг доирасида қалбун қилинаётган қоролларнинг ҳар томонлама адолатли бўлишига халал беради. Масалан, Фарб мамлакатлари мезонлари билан Шарқона ўлчовларининг ҳаммаё ҳам бир-бирига тўғри келмаслигини олайлик. Агар ташкилот фаолияти фақат Европа мезонларидан келиб чиқиб юритиладиган бўлса, бошқа минтақа мамлакатларининг манфаатларига путур етмайди, деб ким қафолат бера олади. Негаки, ҳар бир халқнинг ўз

қадрияти, ҳар бир миллиятининг ўз мезонлари бор. Шунингдек, давлатимиз раҳбари, мазкур ташкилотнинг минтақамиздаги фаолияти чегараланиб қолаётганини ҳам айтиб ўтди. Ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари хавфсизлик, иқтисодий, экология, инсон ҳуқуқлари муаммолари саналади. Лекин ЕХХТ раҳбарияти инсон ҳуқуқларидан бошқа йўналишларни унутиб қўйгандек. Бу борада қилинаётган ишлар ҳам аксарият ҳисоботдан иборат бўлиб қолаётгандек. Бу хусусида гап кетганда бир фикр айтиб ўтиш керак. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қайғурилса, одамларнинг ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилинса, бу аъзо-ройи ЕХХТ ёки бошқа бирор ташкилотга ҳисобот

бериш учун қилинмайди. Олдил ва демократик жамият куриш бизнинг бош мақсадимиз, деди мамлакатимиз раҳбари.

Вилгелм Хойнк давлатимиз раҳбари билдирган фикр-мулоҳазаларини ўз ҳисоботида тўла-тўқис баён этаганини айтиди. Ўзбекистон томонидан билдирилган бундай асосли мулоҳазалар ташкилотнинг яқинда Истанбулда бўлажак саммитида атрафлича муҳокама этилишига умид қиламан, деди жумладан у.

Учрашувада Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир А.Комиллов иштирок этди. Қабул маросимида ЕХХТнинг Марказий Осиё Бюроси раҳбари Ганно Ганчев ҳозир бўлди.

Фарход АРЗИЕВ, ЎЗА мухбири.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ МАСЪУЛИЯТИ

27 июн - Миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Мустақиллик йилларида матбуотга эътибор ва ғамхўрлик бағоят кучайди. Қалам аҳлининг жамиятдаги мавқеи ошди. Юртимизда Миллий матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни кенг нишонланадиган бўлди. Байрам арафаси муносабати билан қасаба уюшмалари мутасаддилари шу хусусдаги фикр ва тақлифларини шундай баён этдилар.

Мирзохил СОДИКОВ, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши раиси:

Мустақиллик, ўзлгимизни англаш ҳар жабҳада бўй-баста билан намоён бўлмоқда. Демократик жараён, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотлар матбуотда чуқурроқ ва халққа тушунарлироқ қилиб ёритилмоқда. Хусусан, «Ишонч» газетаси фаолиятида ҳам кейинги пайтда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қасаба уюшма ҳаёти кўп ва ҳўп ёритилган бўлиб қолди. Айниқса, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, ҳуқуқий билимларини ошириш, шартнома асосида олиб борилаётган фаолият натижасида эришилаётган ютуқ ва камчиликлар билан боғлиқ танқидий-таҳлилий мақолаларни кўпроқ беришга ҳаракат қилинмоқда. Янги-янги рухлар пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, жамоа шартномасининг илгаригидек фақатгина қасаба уюшмаси ҳамда жамоа ҳўжаликлари билангина эмас, айни замонда ҳиссасдорлик жамиятларининг кузатув кенгаши ва қасаба уюшмаси ўртасида тузилишини йўлга қўйиш ва оммалаштириш керак. Чунки бу тажриба айрим корхоналарда мавжуд бўл-

Юртбошимизнинг матбуотчиларга билдираётган эътирозлари бежизмас. Замон билан қадам-қадам юриш, янгиликларни бошқалардан илгарироқ илғаб олиш журналистга фақат обрў келтиради, матбуотга ҳўрматнинг ошишига хизмат қилади. Истаёманки, «Ишонч» зиёлиларнинг ҳам, меҳнаткашларнинг ҳам сеvim-

бирга ёрдам беришга доимо тайёрман. Айниқса, ёзги мавсумда болаларни соғломлаштириш ва оромгоҳларда дам олириш борасидаги ютуқ ва камчиликларни, жойлардаги ҳақиқий аҳволни рўй-рост кўрсатиш лозим.

Яқинда Федерацияда янги молиявий сиёсатга ўтиш борасида қарор қабул қилинди. Бу жамоа ташкилоти родини оширишга, фаолиятни янада яхшилашга, қасаба уюшмаларида ишлаётганларни ўқитишга, малакасини

қурилиш ашёлари саноати ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси:

«Қайси соҳа кишиси бўлмайлик, биз ҳар тонгни кундалик хабарлардан, жамиятда юз бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлиш иштиёқи ила бошлаймиз. Бу сиз инсон ўзини дунёдан узилиб қолгандай ҳис қилади, назаримда. Сирасини айтганда оммавий ахборот воситалари ва матбуот бизнинг эҳтиёжимиздир.

Ўз газетамизга бўлган эҳтиромимиз жуда баланд. Шунинг учун ҳам бизнинг тармоқнинг ўзидан бу йил «Ишонч»га 574 та, «Ишонч-Доверие»га 588 та обуна бўлинди. Яъни ҳар бир бошланғич ташкилотимизга газета етиб боради. Эндиги мақсадимиз «Ишонч»нинг ҳар бир цех кўмиталарида ҳам бўлишига эришиш. Газетада кунга кеча «Таҳлил» рўкини остида «Меҳнат қончилиги қаерда, нега бузилмоқда?» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда бугун айни бизни ўйлантираётган муаммо — жойларда меҳнат тўғрисидаги қонуннинг бузилиши ҳоллари юз бераётганлиги танқид остига олинган.

Газета эндиги фаолияти давомида қасаба уюшмалари ишини қайси йўллар билан янада яхшилаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш тўғрисидаги мақолаларни кўпайтиришга фойдалан ҳоли бўлмасди. Шу жумладан, ижобий ишларни ҳам кўрсатиш даркор. Токи бошқалар ҳам яхшиларга ҳавас қилиб, ўрнак олиб, шундай ишлашга интилинлар.

Матбуот халқнинг кўрар кўзидир. Шунинг учун ҳам сиз — матбуот ходимлари бундан-да яхшироқ, илдамроқ юришингизни тилардик.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА ёзиб олди.



Шахрисабз туманидаги Жўра Элбоев номли ҳўжалик бош ҳисобчиси Шамсиддин Раҳимов (чапдан учинчи) деҳқонлар билан матбуотда чоп этилган мақолалар хусусида ўзаро фикрлашмоқда.

ЖУРНАЛИСТ

Ижтимоий ҳимояси

«Қашқадарё» - «Қашқадарья» вилоят газеталари таҳририяти қасаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида бу ҳақда алоҳида гап борди.

Мамлакатимиз Президентининг Қашқадарёга сафари барча қатори вилоят матбуот, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кўтаринчилик, жўжинлик бахш этди, уларнинг масъулиятини янада оширди. Айни кунларда воҳа журналистлари давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб ўтилган долзарб масала-муаммоларга оид мавзудан янада саҳифаларида изчил ва талабга жавоб берадиган даражада ёритиш мақсадида жўшиб меҳнат қилмоқдалар. Мақолаларда бугунги қишлоқ кишининг

да. - Янги бош муҳаррир Бўри Норқобилов фаолият бошлагандан кейин жамоада маънавий психологик муҳит яхшиланди, муассис эътибори кучайди. Биз — қасаба уюшма кўмитаси аъзолари иш шароитини яхшилаш, моддий манфаатдорликни таъминлаш масаласини кундаланг кўйдик. Натижада таҳририят биноси яхшилаб таъмирдан чиқарилди, керакли жиҳозлар келтирилди. Туманлар билан алоқа яхшиланди.

— Ҳисобот даврида бошланғич ташкилот кўпи ишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилдик, — деди бўлим мудири Номоз Аҳмедов. — Гап шундаки, қасабимга илҳос қўйганман. Шу боис Қосондан қанаб бўлса-да, узоқ йил ишладим. Қасаба уюшма ёрдамида янги уйли бўлдим. Ҳамкасбарим Шохиста Бозорова, мураббий Тула Бўриев ҳуллас, жами беш киши ҳовли тўйларини ўтказишди.

Газета журналистлари ойлик маошдан нолишмас бўлади. Уларга йўлқира пулидан ташқари йил мобайнида камда саккиз мартоба бир ойлик маош миқдорини мадд пули бериларди. Бундан ташқари энг кўп иш стажига эга бўлган қалам-қашларга қўшимча имтиёзлар белгиланган. Йиғилишда сўнгги йилларда ходимларнинг арзон қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш яхши йўлга қўйилганлиги алоҳида эътироф этилди.

— Қасабақўм фаолиятида камчиликлар ҳам йўқ эмас, — фикрини ифодалади бўлим мудири Людмила Сосина. — Асосан раиснинг ўзи кўпроқ елиб югурди. Бошқа кўмита аъзолари фаолияти ҳақида яхлит тушунча камроқ. Аммо тарбиявий-ташқилий ишлар анча жонланди. Жамоа бўлиб Самарқандга, Имом абу-Бухорий зиёратгоҳига борганлигимиз улғу иш бўлди.

Журналистлар жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш билан бирга ўзлари ҳам шахсий намуна кўрсатишмоқда. Хусусан газета жамоаси вилоят бўйича теннис, шахмат, шашка, футбол бўйича ўлкасида спартакиадада юқори кўрсаткичга эришди. Маъмурият ва қасаба уюшма кўмитаси ҳамкорликда ходимларни янги ўзбек алифбосига ўқитиш юзасидан махсус курс ташкил этди. Бу айни кунларда барчага асқотмоқда.

Ҳисобот даврида яна бир ҳурсандчилик бўлди. «Қашқадарё» - «Қашқадарья» газеталари журналистлари Евразия халқаро жағмармасининг грантини олишга муваффақ бўлилар. Бунинг шарофати билан қўлга киритилган 10 миң АҚШ доллари ҳисобидан ақойиб компьютер маркази бунёд этилди. Пировад натижада иш шароити яхшиланди, газеталар қўрқам, мазмунли чоп этила бошлади.

Йиғилишда масъул котиб Олим Тошев, иқтидорли журналист М. Мўминова ва бошқалар муассис эътибори ҳимоя қилишда юрган журналистлар йўлиқарасини текин қилиш ҳақида йўлба курсайини муддао бўларди, деган тақлифни илгари сурдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида қасаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Эсон Ражабов иштирок этди.

М.НИЁЗОВ.

ДАВР ТАЛАБИ

са ҳам ҳали кенг ёйилганича йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб матбуот ходимларини айёмлари билан чин дилдан қўлайман. Уларнинг ҳаётларида бахт ва омад, ижодий ишларида баркамоллик тилаб қоламан.

Малика ЖАЛИЛОВА, Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси:

«Матбуот беркорга «Тўртинчи ҳокимият» деб тан олинмаган. Бу ҳар бир журналист зиммасига катта масъулият юклайди. Демак, қаламқаш ўз ижодий фаолиятига назар ташлаб, ўзига доимий талабчан ва қониқмаслик руҳида бўлиши лозим.

«Ишонч» газетаси юзга келгандан бери бир сонини ҳам қолдирмай ўқийман. Мақолаларда кўтаринчилик ҳар бир масалага объектив ёндашув, мазмунан теранлик уларнинг таъсирчанлигига омил бўлмоқда.

Шу билан бирга менинг назаримда бугуннинг журналисти ўз амалий фаолиятида янги иш услубига, янги дунёқарашга эга бўлиши зарур. Баъзан

ли газетаси бўлиб, ўз номи ва шакли шамойилига эга бўлсин.

Иброҳим АБДУҒАНИЕВ, Республика таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси:

«Жамиятда амалга оширилаётган ижобий ишларни, ечимини кутаётган муаммоларни, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни халққа ва ўз навбатида халқнинг дилидаги гапларни матбуот орқали мутасаддилар эътиборига етказувчилар - сизлардир.

Газетамизнинг яхши ишларидан бири, бу меҳнаткашлардан келаётган хатларга жиддий муносабатда бўлинаётганлигидир. Мутахассислар, вазирилари, қасаба уюшма вакиллари ва бошқа мутасаддиларнинг уларни қизиқтираётган масалалар билан чиқаётганлиги ҳам газетхонларга кўп нарса бермоқда.

Шунингдек, вилоятлардаги муҳбирларнинг фаолаштириш даркор. Назаримда муҳбирларимиз марказдан олиб туманларга кўпроқ чиқилари керак. Мен бу борада вилоят кўмита раислари билан

оширишга, газета ва журналлар чоп этишга, бошқаришни такомиллаштириш учун компьютер жиҳозларини сотиб олишга хизмат қилади. Бу жараёнларни эса халққа сизлар етказиб берасизлар. Яъни, Президентимиз таъбири билан айтганда жамоат ташкилотларининг родини оширишда газета ҳам бел боғлаб хизмат қилиши керак. Чунки жамоат ташкилотлари яхши ишлаганига кучли давлатдан кучли жамият сари шиори амалга ошади.

Ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар жуда кўп. Хусусан, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кўмиталарининг иши, улар тўплаган тажрибалар билан бир қаторда, жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларга барҳам бериш нега сууст кечаётганлиги рўй-рост ёритилиши лозим.

Газета инсон онги, дунёқарашини кенгайтириш учун хизмат қилади. Биз бунга амалда кўриб турибмиз. Истагимиз - «Ишонч»га доимо ишонч ортиб бораверсин.

Шокиржон ЁҚУБОВ, Ўзбекистон қурилиш ва

иқтидорли ёшларга муҳтож. Илгари журналистика факультетларида асосан «универсал» журналистлар тайёрланар эди. Бу дегани Олий ўқув юртини тугатган талаба-журналист аниқ соҳага ихтисослашмагани учун дуч келган мавзуда ёзаверарди. Айрим журналистларгина ўз ташаббуси билан маълум соҳада ихтисослашувини ҳисобга олганда, уларни

зидентимиз Ислам Қариомовнинг фикрларига эътибор берайлик: «Оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш жараёни ҳамма жойда ҳам анча мураккаб кечаяпти. Эскича фикр юритиш ўз таъсирини кўрсатмоқда. Эски сарқитлардан жудо бўлиш эса дунё-қарашлар, психологиялар, турли даъволар

мият ҳаётидаги фаоллигини оширишни назарда тутишимиз керак. Бугун журналистика олдида ана шундай масъулиятли ва долзарб масалалар турибди.

Умуман, ҳар қандай жамиятда ҳам янгиликни ва ўзгаришларни амалга ошириш қийин кечадиган жараён. Айниқса, айрим раҳбарлар ва мансабдорлар масаласида бу янада оғирроқ кечади. Улар янги фикрлаш у ёқда турсин, сўз ва фикр эркинлигидан қўрқадилар ва матбуотнинг эркин фикрини бўғиш пайида бўлишади.

Ҳўш, бу тоифадаги кишилар, «Ортбошимиз» таъкидлаганидек, «демократия, демократиянинг асосий шартли бўлиши матбуот эркинлиги»дан нега бунчалар қўрқадилар? Бунинг сабаби кундай равшан - матбуот демократлашган сайин, унда раҳбарлар, мансабдорларнинг иши, фаолиятига нисбатан турли-туман фикрлар шунча кўпроқ билдирилади. Бундан ташқари, матбуотнинг эркинлашуви, ҳокимиятнинг монополлашувига йўл қўймайди. Ўзбекистон раҳбарининг матбуот ходимларини ботиб ҳўшёрлик ва дадилликка ундашининг сабаби ҳам шунда.

С.ЖАББОРОВ, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро Маркази ходими.

БИР УМР МИННАТДОРМАН Чунки «Ишонч» менга ер олиб берди

Мен учун 1999 йилнинг 4 марти умримнинг энг бахтли саналаридан бўлиб қолади. Негаки, худди шу кун Сайхунобод тумани ҳокимиянинг 118-сонли қарори билан мен етакчилик қилаётган «Ахмат» деҳқон-фермер ҳўжалигига «Пахтакор» ширкат ҳўжалигининг 107-, 152-контуридан қўшимча 85 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Бунгача не-не изтиробларни бошдан кечирмадим, дейсиз. Яхши ниятлар билан 1995 йилда ташкил қилинган фермер ҳўжалигимиз ўсиб ўлғайиб, фойда топиб, оёққа туриб олган, мавжуд 3 гектар ер бизнинг фаолиятимиз учун торлик қилиб қолди. Етарли даражада тракторлар ва турли хил молнамалар, ишчи кучлари мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилган, кенгрок доирада ишлаш орзуси туғилди. Фикрларимни қозоғга тушириб, ҳокимликка бир неча бор мурожаат қилиб бордим. Ниҳоят, 1997 йил 16 мартда «Шўрўзақ» фуқаролар йиғинининг қўшимча ер ажратиб бериш тўғрисидаги қарорини олдим. Бироқ...

Шундан сўнг бошланди чоп-чоп. Бормаган жойим, тақиллатмаган эшигим қолмади. Ҳатто Олий ҳўжалик судига ҳам бордим. Улар мавжуд ҳўжатларни ўрганиб, масалани менинг фойдамга ҳал қилиб беришди. Аммо ана-мана деб кунлар, ойлар ўтди ҳамки, суд қарорини ижро этувчи топилмади. Охири бўлмагач, яхши одамларнинг тавсияси билан «Ишонч» газетасига мурожаат қилдим. Барака топишсин, шу йил 27 январда «Ўртада сарсон фермер» мақоласи чиқди-ю, ётиб қолган иш жойидан сийлди. Ва ниҳоят, туман ҳокимлиги билан ўртанимизда бўлган тушунмовчилик барҳам топди. Бугун юксак хирмон учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Худо хоҳласа, «Ишонч»чиларни ҳосил байрамига тақлиф қилиш ниятидаман. Зеро, мен ва бутун оила аъзоларим «Ишонч» газетасидан бир умр миннатдоримиз.

Холбўта НОРБЕКОВ, Сайхунобод туманидаги «Ахмат» деҳқон-фермер ҳўжалиги бошлиғи.

(Боши 1-бетда)

Журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий заминини яратишининг ўзига қарийб етти йил вақт керак бўлди. Ҳуқуқий база яратилди. Лекин шунда ҳам давлатимиз раҳбарияти томонидан журналистлар ва умуман, журналистикага эътибор бир умр тингани йўқ. Президент Ислам Қариомовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги нутқи журналистикага эътибор ҳамон ҳукумат сиёсатининг диққат марказида эканлигини кўрсатди. Парламент минбаридан туриб, ОАВнинг республикада қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, давлат ва мансабдор шахслар устидан назорат қилувчи институт сифатидаги родини ошириш ҳақидаги фикрнинг айтилиши журналистларни янада жонлантириши лозим. Шунинг таъкидлаш кераки, бугун бирон-бир қўшни ёки узоқ хорижий давлатда оммавий ахборот воситаларига бунчалик ғамхўрлик қилинаётгани йўқ.

Бугун журналистиканинг таянчи-қўнивий базаси мавжуд. Лекин, шароит шунинг кўрсатдики, матбуотнинг ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият» моқомини олиши учун биргина шунинг ўзи кифоя эмас экан. Унинг яна бир муҳим шар-

ти - бу кучли журналистлар армияси. Табиийки, энди журналистиканинг мустақкам интелектуал базасини яратиш соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишига айланади. Шу нуқтага назардан, 1999 йил 26 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳақи-

да»ги қарори қабул қилинган республикамизда янги, цивилизациялашган журналистика сари қўйилган дадил қадамдир. Албатта, қарор чиқиб муаммо дарров ечимини топмайди. Қилиниши керак бўлган муҳим ва мураккаб ишлар ҳали олдинда. Ишлар тўғриси йўлга қўйилган тақдирда ҳам, журналистикага ҳар томонлама пишиқ янги авлоднинг кириб келиши учун камда беш-ўн йил керак бўлади.

Гарчанд, журналистика-миз бугун кадрлар масаласида катта танқисликка дучор бўлмас-да, тан олиш керак, у юқори малакали мутахассислар, айниқса


ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

нг аксарияти бир умр «универсаллигича» қолиб кетар эди. Афсуски, бу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Шунинг учун журналистика тизимида ўқитишнинг мутлақо янги шаклига ўтиш анча қийинчиликлар билан амалга оширилиши турган гап. Аммо энг муҳими, ҳозир профессионал журналист кадрлар тайёрлаш борасидаги тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Матбуотнинг «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши учун журналист дунёқарашини ва умуман, жамиятдаги дунёқарашлар тизимини ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Пре-

ртасидаги кўзга кўринмайди, лекин тинкани қуритадиган кураш билан бирга бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда.»

